



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 157 (11.968)

Баҳоси эркин нархда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Энг азиз, энг улуг байрам —
Мустақиллигимизнинг муборак 20 йиллиги
нишонланишига санокли кунлар қолди. Истиқлол
буюк неъмат эканлигини дилдан ҳис этган
ҳамзаликлар қутлуг шодиёни ҳар бир
жабҳада улкан ютуқлар билан кутиб олишни
эзгу ният қилган ҳолда давр билан ҳамнафас
қадам ташламоқда.



Мамлакатимиз давлат
мустақиллигининг 20
йиллигини муносиб
нишонлаш мақсадида
юртимизнинг барча
ҳудудларида, жумладан,
пойтахтимиз Тошкентда кенг
кўламли бунёдкорлик ва
ободонлаштириш ишлари
олиб борилмоқда. Шу
кунларда пойтахтимиз
кўчаларида кўплаб
сайёҳларни учратиш мумкин.
ЎЗА муҳбири улардан
айримларининг
таассуротлари билан
қизиқди.

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА БАРЧА ҲАВАС ҚИЛАДИ

Вензель БОРМАН (Германия):

— Тошкентда бундан етти йил аввал
бўлган эдим. Ушанда юртингизга яна
келишни ният қилганман. Қисқа фурсат
ичида шаҳрингиз таниб бўлмас даражада ўзга-
риб, янада гўзаллашибди. Тошкент шаҳ-
рининг кенг, озода, файзли кўчалари,
ямғирли боғларида сайр қилиб, завқланиб
тўймайсан киши.

Ўзбекистоннинг кўп жойларида бўлган-
ман. Тошкент, Хива, Самарқанд, Шаҳри-
сабз ва Бухоро каби шаҳарларингиздаги
бетакрор меъморий обидалар, муқаддас
қадамжолар ва маданий ёдгорликлар,
замонавий иншоотлар, кенг ва раvon йўллар
кишида унутилмас таассурот қолдиради.
Халқингизнинг меҳмондўстлиги, ширинсу-
ханлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлиги
ҳар қандай одамни мафтун этади. Шунинг
учун бу диёрга қайта-қайта келгим кела-
верди.

Альваро ЭСТЕБАН (Испания):

— Ўзбекистон ҳақида кўплаб китоблар
ўқиганман. Ойнаи ҳақон орқали юртингиз
манзараларини томоша қилган, менда бу
ерга келиш истаги пайдо бўлди. Тошкентга
келишим билан биринчи галда Мустақиллик
мейдонида бордим. Унинг тароватини таъ-
рифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон ва ун-
даги Мустақиллик ва эзгулик монументи,
муҳташам бинолар ўзининг улғурлиги,
кўккусалобати билан мамлакатингизнинг улкан
куч-қудрати ва салохиятини намойиш этиб
турибди. Улар халқингизнинг гурур ва иф-
тихорини юксалтиришга хизмат қилишига
шубҳа йўқ.

Яқинда халқингиз Ўзбекистон давлат
мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлай-
ди. Ушбу тантанга катта тайёргарлик кўри-
лаётганининг гувоҳи бўлдим. Мамлакатингиз-
да амалга оширилаётган улкан бунёдкор-
лик ва ободонлаштириш ишлари бунга ёрқин
мисолдир.

(Давоми 2-бетда)

ҲАМЗА ТУМАНИ:

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Тумanning қай бир
гўшасига борманг,
ободлик, бунёдкорлик,
кўркемлик йўлида қиз-
гин тайёргарлик ишла-
ри кетаётганига гувоҳ
бўласиз. Барчанинг
дилига Мустақиллик
шуқуҳини солган, Исти-
қлолни улғурловчи
паннолар байрамона
безатишган туманга
кўрк ва файз бағиш-
ламоқда. «Буюк ва му-
қаддасан, Мустақил
Ватан!» шiori остида
ўтказилаётган байрамолди тадбир-
лари кексага ёш кўнглида фахр-иф-
тихор туйғуларини жўш урдирмоқда.

Ўтган йигирма йил ичида 5 тага
ортиб, 55 тага етган маҳаллаларда
ободлик ва орасталликка эътибор
қаратилган, аҳолига қулайликлар
яратилмоқда. Ўтган йиллар мобай-
нида бунёд этилган муҳташам ин-
шоотлар, замонавий турар жой би-
нолари, маҳалла гузарлари, тўйхона-
лар, ўқув масканлари ва бошқа
ўнлаб объектлар туман кўркини
оширган бўлса, бугун улар қатори-
га яна ўндан зиёд бинолар қўшили-
ши арафасида. Улар орасида Ма-
росимлар мажмуаси, кичик корхона-
лар, китоб дўкони, офис ва савдо
шоҳобчалари бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки,
Истиқлолнинг ўтган йилларида мам-
лакатимизда асрларга татигулик иш-
лар амалга оширилган бўлса, бу бо-
рада мустақилликни мустаҳкамлаш
йўлида дадил оидимлаётган ҳамзалик-
ларнинг ҳам ҳиссаси бор. Йигирма
йил ичида 292 та кўча 356 тага ор-
тиб, ободлигига эътибор қаратилди.
Хорижий ҳамкорлар билан шерик-
ликда 1991 йилда 11 та кўшма кор-
хона иш юритган бўлса, айна пай-
тада уларнинг сони 294 тага етиб,



иқтисодиёт ривожигадаги улуши ор-
тиди. Кичик бизнес ва хусусий тад-
биркорлик субъектлари 121 тадан
2566 тага етди. Кичик бизнес ва ху-
сусий тадбиркорлик йилнинг ярми-
да 200 та микрофирма, 65 та кичик
корхона иш бошлади, жами 4814 та
янги иш ўринлари яратилди.

Туманда 2011 йил биринчи ярим
йиллик якуни бўйича макроиқтисодий
кўрсаткичларнинг ўтган йилнинг
мос даврига нисбатан ўсишига ва
белгиланган прогноз параметрлари-
нинг бажарилишига эришилди. Са-
ноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
ҳажми 437,9 миллиард сўмни таш-
кил этади, 296,9 миллиард сўмлик
халқ истеъмоли моллари тайёрлан-
ди, қурилиш ишлари ҳажми 56,7
миллиард сўмга етди. Жорий йил-
да кичик бизнес субъектларига бе-
рилаётган катта эътибор, яратила-
ётган қулай имкониятлар, ажрати-
лаётган кредит маблағларининг са-
мараси боис саноат, халқ истеъмо-
ли моллари ишлаб чиқариш ва ин-
вестицияларни жалб этишида улар-
нинг ҳиссаси ўтган йилга нисбатан
сезиларли даражада ортди. Жорий
йил ярмида ишлаб чиқарилган са-
ноат маҳсулотларининг 160,4 мил-
лиард, халқ истеъмоли молларининг

56,8 миллиард сўмлиги, туман иқти-
содиётига барча манбалар ҳисоби-
га киритилган 55,4 миллиард сўмлик
инвестицияларнинг 40,6 миллиард
сўми кичик бизнес субъектлари
ҳисобига тўғри келади. Кичик биз-
нес ва хусусий тадбиркорликни ри-
вожлантириш ҳисобидан 3674 та
янги иш ўринлари яратилиб, бу
ўтган ярим йилда яратилган иш
ўринларининг 76,8 фоизини ташкил
этади.

Туманда саноат маҳсулотлари иш-
лаб чиқаришни модернизация
қилиш, технологик жиҳатдан янги-
лаш борасида «2-сон ТБМЗ», «Ади
текстил» кўшма корхоналари, «Тош-
кент қоғози» МЧЖда ижобий нати-
жаларга эришилди. Мазкур корхона-
ларда янги иш ўринлари яратилди,
янги қувватлар ишга тушди, маҳ-
сулот турлари, ишлаб чиқариш
ҳажми ортди. Бу борадаги ишлар
режа асосида амалга оширилмоқда.

Айни кунларда туманда ободон-
лаштириш, кўкаламзорлаштириш ва
санитар тозалаш ишлари доимий
равишда давом этмоқда. Байрам
муносабати билан кўчаларга 250
минг тупдан ортик ранг-баранг гул
кўчатлари, 800 тупдан зиёд манзарали
ва игна баргли дарахтлар
ўтказилди, гулхоналар барпо этилди.
Энг асосийси эса бу ишларнинг
барчасида аҳолининг фаоллиги, ҳам-
заликларнинг яратиш, яшатиш иш-
қида бир-бири билан камарбастали-
ги этади. Ким бўлишдан қатъи
назар — олим, шифокор, ўқитувчи,
ишчи, талаба, ўқувчи, тарбиячи,
қурувчи, уй бекаси — барча-барча-
нинг Истиқлол айёмини муносиб ку-
тиб олишга интилаётгани туман
кўркида намён бўлмоқда. Мухими,
туман аҳолининг мустақиллик берган
улкан бахтга, саодатга дилларида
шукроналик келтириб, уни асраб-
авайлашида, байрамни ёруғ юз билан
кутиб олишида, ҳамкору ҳамна-
фас бўлишида қалбларида эзгулик
муҳассамлигидир.

(Ҳамза туманига бағишланган
материаллар билан газетамиз-
нинг 3-саҳифасида танишасиз).

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Аxbорот
хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

✓ **БУГУН** Республика «Маҳалла» хайрия
жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўми-
таси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган «Энг
намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий
тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»
қўрик-танловининг Тошкент шаҳри, Сирдарё,
Жиззах ва пойтахт вилояти босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БОЛАЛАР** спортни ривожлан-
тириш жамғармаси Тошкент шаҳар
филиали томонидан «Чилонзор» бо-
лалар спорт мажмуасида 2000 йил-
да тузилган болалар ўртасида «Пах-
такор-79» хотира турнири ўтка-
зилди.

✓ **КЕЧА** Яққасарой туманидаги
«Асака-банк» автотранспорт филиали-
да Маънавият тарғибот марказининг ту-
ман бўлими томонидан «Буюк ва му-
қаддасан, мустақил Ватан!» мавзуси-
да маънавий-маърифий тадбир ташкил
этилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Бадий академияси
Марказий кўргазмалар залида «Бола-
лик худуди» — болалар, ўсмирлар,
бўлажак оналар учун энг яхши товар-
лар ва хизматларнинг тўртинчи халқ-
ро ихтисослаштирилган кўргазмаси
очилди. Кўргазма «ZarEXPO» миллий
кўргазма компанияси томонидан
Ўзбекистон Республикаси Халқ таъли-
ми, Соғлиқни сақлаш вазирликлари,
Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Болалар
ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассо-
циацияси сингари бир қатор ташки-
лотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

• Боёвут туманида калава ип иш-
лаб чиқаришга ихтисослаштирилган
«Гулистон фарм саноати» масъулия-
ти чекланган жамияти фаолияти кун-
дан-кунга ривожланиб бораётир. Қий-
мати 220 миллион сўмлик ушбу
лойиҳа амалга оширилиши билан 15
та иш ўрни яратилди. Эътиборлиси,
корхонада тайёрланаётган маҳсулот-
нинг асосий қисми хорижга экспорт
қилинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг
ўтган олти ойи мобайнида чет эллик
буюртмачиларга 507 минг АҚШ дол-
ларилик калава ип етказиб берилди.

• Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги
арафасида Чимбой туманида «Chimbay
Lanwood» кўшма корхонаси фаолият
кўрсата бошлади. Шуниси ахамиятли-
ки, чет элнинг илғор технологиялари
билан жиҳозланган мазкур корхонада
тумандаги «Lanextract» корхонасидан
чиқадиган чикинди — ширинмиса қол-
диқларидан ёғоч материаллар тайёр-
лашга ихтисослаштирилган. Айни пай-
тда 100 нафар маҳаллий йигит-қиз иш
билан таъминланган корхонада шу йил
охирига қадар 50 минг квадрат метр
қурилиш материаллари тайёрлаш им-
конияти яратилди.

• «Маҳалла» хайрия жамғармаси
Бухоро вилоят бўлими Мустақиллик-
нинг йигирма йиллиги шарафига ўз
тизимда алоҳида ташаббускорлик
ишлари билан ибрат кўрсатаётган 53
та фаол фуқаролар йигинига компь-
ютер жамланмаси ва 30 та ўзини-ўзи
бошқариш органига мебель жиҳозла-
ри тортиқ қилди.

• Дўстлик туманида пахта ва ғалла
билан бир қатор мева, сабзавот, полиз
экинларидан мўл ҳосил етиштириш ба-
рораида, улардан тайёр маҳсулот иш-
лаб чиқаришга эътибор ортмоқда.
Ўтган ярим йилликда туманда 1,5 ми-
лганга янги иш ўрни яратилди. 50 ми-
лиард сўмлик саноат маҳсулотлари иш-
лаб чиқарилди. Маҳсулотнинг бир қисми
четга экспорт қилинди. Туманда ижти-
моий соҳа ривожига алоҳида эътибор
қаратилган. Аҳоли юз фоиз табиий газ,
85 фоиз тоза ичимлик суви билан таъ-
минланган.

ЖАҲОНДА

• Афғонистон шарқида АҚШ ҳарбий
вертолёти ҳалокатга учради. Борти-
да ўттиз нафар одам бўлган маши-
нанинг қулашига нима сабаб бўлган-
ни ҳозирча ошкор айтилмапти.
Кузатувчилар вертолёт жангарилар
томонидан уриб туширилган бўлиши
эҳтимолини илгарти сурмоқдалар.

• Британия пойтахти ва унинг ат-
роф шаҳарларида тартибсизлик ом-
мавий кўринишга кирган. Оломон
ҳукумат вакилли идоралари, савдо
уйлари, полиция маҳкамаларига
бостириб кириб, талончилик қилмоқда.

• Сунъий интеллект яратиш бобида
европалик олимлар япон ҳамкасблар-
ини бир қадам ортда қолдирган
кўринади. Италия политехника уни-
верситети олимлари робот яратдилар.
Ҳали ниҳоясига етмаган лойиҳа, дея
баҳоланаётган робот филдракларда
ҳаракатланиб, уч ярим ёшли бола
сингари гаплашиш, кулиш, туйғула-
рини баён қилиш сингари ҳиссиётла-
рини ўртоқлаша олади.

• Магадан областида ҳалокатга уч-
раган, бортида 11 киши бўлган Ан-12
русумли транспорт самолёти иккита
«қора қутиси» билан бирга топилди.
Ҳалокат жойида қидирув гуруҳи иш-
ламоқда.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Сурия
муаммоси бўйича ёпиқ йиғилиш
ўтказди.



ҲАМЗА ТУМАНИ: ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС



Туман маҳаллалари орасида йил сайин кўркамлик ва ободлик касб этиб бораётган «Ўрта масжид» маҳалласининг ўзига хос ўрни бор.

Обод маскан

МАҲАЛЛАДА БОЛАЛАР БОҒИ

Кутлуг байрамни муносиб тарзда кутиб олиш мақсадида маҳаллада кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. «Намунавий маҳалла» лойиҳасига киритилган мазкур маҳаллада кўпгина ибратли ишлар бажарилдики, бу уйлар ҳамда уларнинг ён-атрофлари кўркида, яшовчиларга яратилган қулайликлар-

да ёрқин намоён бўлмоқда. — Маҳалламиз 37 та кўп қаватли уйдан иборат бўлиб, 7,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азиза Пидева. — Шунингдек, Қурувчилар кўчасидаги 23 та янги қаватли хонадонлар ҳам маҳалламизга қарашли. Энг азиз, энг улуг байрамга тараддуд ишлари кизгин паллада. Уйларимизнинг фасад қисми,

кириш йўлаклари таъмирланди, йўл ва йўлакларга асфальт ётқизилди, ёриткичлар қўйилди. Маҳалла гузари таъмирдан чиқарилмоқда. «20 йилликка — 20 туп даракт» шioriга амал қилган ҳолда уйларимиз ховлилари, кўча юзларига минглаб даракт кўчатлари эдик. Тўлов интизомини ошириш мақсадида барча хонадонларга рақамли электрон ҳисоблагичлар қўйилди.

Байрам арафасида маҳалла болалари ва уларнинг ота-оналари учун ажойиб туҳфа хозирланди. Яқинда кўп қаватли уйлар орасидаги қаровсиз жой ободонлаштирилиб, «Болалар боғи» барпо этилди. Қувонарлиси эса боққа ўрнатилган аттракционлар кичкинтойлар хизматида. Бу ерда болалар дам олиш баробарида, турли спорт ўйинлари билан ҳам шуғулланишади. Болалар боғининг орасидаги ва тартиб-интизомни сақлаш ишларини маҳалла фаоллари ўз зиммасига олган. Хозирда маҳалла аҳли Авиасозлар маданият саройида ўтказилган «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» тadbiri-га уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрмоқда.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- 1968 йил февраль ойида ташкил этилган туманининг умумий майдони 36,5 минг квадрат метрни ташкил этиб, 207,2 минг аҳоли истиқомат қилади.
- Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили муносабати билан тумандаги 55 та маҳаллада «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» Давлат дастурининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамиятига қаратилган давра суҳбатлари ўтказилиб, ўтган ярим йилда мазкур тadbirlарга 4350 нафар аҳоли, шу жумладан 2800 нафар ёшлар жалб этилди.
- «Гулистон» маҳалласи фуқаролар йиғини қошида чинни асбобларга гул солиш корхонаси очилиб, 8 нафар фуқарога иш ўринлари яратилди.
- Туманда 15313 та хусусий уйлар ва 868 та кўп қаватли турар жой бинолари мавжуд бўлиб, уларда ободонлаштириш ишлари уюшқоқликда олиб борилмоқда.
- Тумандаги «Тошкент қозоғи» МЧЖ томонидан корхонани модернизация қилиш, қайта техник жиҳозлаш учун 500 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йил ярмида 431 минг АҚШ доллари ўзлаштирилди ва 2695,3 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.
- «PSM GROUP» масъулияти чекланган жамияти цехлари 1 миллиард 85 миллион сўмлик қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хорижий технологик ускуналар билан жиҳозланди. Мустақиллик байрами арафасида мазкур линиянинг иш бошлаши натижасида 100 нафар киши иш ўринлари билан таъминланади.

Мустақиллик — тақдиримда

КАСБИМ — ФАХРИМ

Бахтиёр ҚОРАТОВЕВ, «2-автобус» саройи ОАЖ ҳайдовчиси, «Шухрат» медали соҳиби:

— Бугун ҳар биримизнинг дилимизда ўзгача завқ. Чунки мустақил диверимизда Истиклол шодиёналари кўтаринки руҳда нишонланишига санокли кунлар қолди. Ота-боболаримиз орзу қилган файзли кунлар бизга насиб этиб, озодликнинг шукҳидан, Истиклол неъматидан баҳраманд бўляпмиз.

Фахр билан айта оламизки, ўтган 20 йил ичида юртимизда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бунёд этилган замонавий салобатли иншоотларнинг санаб саногига етолмайсиз. Мустақам кўприкларимизу жаҳон андозаларига мос раво йўлларимиз кўрган кўзларни қувнатади, биз транспортчилар учун эса алоҳида қулайликдир.

Мен ҳам 30 йилдан буён ҳайдовчилик касбини эъзозлаб, шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари узогини яқин қилишга ҳисса қўшяпман. Қадрли касбим орқали эътиборга сазовор бўлдим, эъзоз топдим. Президентимиз Фармониға асосан 2005 йилда «Шухрат» медали соҳиби бўлдим. Бу, албатта, камтарона меҳнатимга берилган катта мукофот бўлди.

Ўтган йиллар давомида ўнлаб шогирдларга устозлик қилдим. Уларнинг кўпчилиги хозирда мен билан бир сафда шаҳар жамоат транспорт ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Йўловчиларни бехатар ва вақтида манзилига етказиб, зиммамиздаги масъулиятни шараф билан уйдалаётганимиздан, яратилган шарт-шароитлардан беҳад шодимиз. Барчамизга кенг имкониятлар эшигини очган, бахт ва хурлик берган Мустақиллик айёми юртдошларимга муборак бўлсин!

Бу, албатта мустақиллик шарафати, Истиклол берган буюк неъмат самарасидир. Туманда қад ростилаган Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи ана шундай замон талабларига жавоб бераётган билим масканларида саналади. Барча қулайликларга эга коллежнинг фойдаланишга топширилиши унинг нуфузини оширди. Буни жорий йилда 330 ўринга 530 нафардан зиёд ўқувчи ҳужжат топшириб талабгор бўлганидан ҳам яқоқ кўриш мумкин. Шунингдек, касб-хунар коллежида ўтган йилдан бошлаб яна 2 та йўналиш очилганлиги ёшларда катта кизиқиш уйғотди. Янги ўқув йилидан 90 нафар йигит-қизлар туристик хизматлар ташкилотчиси ва меҳмонхона, ресторан бизнеси менежери йўналишларида таҳсил олишади.

— Коллежимизда 700 нафардан зиёд ўқувчи билим олиб касб-хунар эгаллашмоқда, — дейди директор Рўзимурод Гаипов. — Шулардан 150 нафари таҳсилни тугатиб, қўлига диплом олди. Улар кўплаб корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартнома асосида меҳнат фаолиятини бошлашмоқда. Олий ўқув юртида ўқиб истагида бўлганлари ҳам бор. Энг азиз, энг улуг байрам — Мустақилликимизнинг 20 йиллик тўйини жамоамиз аҳли муносиб кутиб олмоқда. Аввало шуни фахр билан айта оламаники, бугун барча қулайликларга эга, замона-

Ёшлар — келажакимиз

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Эртамиз давомчилари, юртимиз келажакги бўлган ўғил-қизларнинг ҳар томонлама баркамолликка эришишлари, билим олиб, касб-хунар эгаллашлари, мустақил Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳар биримизнинг қалбимизда гурур туйғусини уйғотади.

вий тарзда қурилиб, жиҳозланган кўркам бинога эга бўлди. Кимё, физика, биология, компьютер, лингафон хоналари, 140 ўринли фаоллар зали, ширнама буфет, катта спорт зали, ёзги спорт майдончаси ўқувчиларимиз ихтиёрида. Шу ўринда айтиш жоизки, тўрт қаватли муқташам бинонинг 1-қаватида ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган бўлиб, ўқувчиларнинг амалий машғулот ўташларида, хунар сирларини мукаммал эгаллашларида муҳим роль ўйнамоқда. Ҳар бир устахонанинг жиҳозлари ўзига яраша. Туристтик ташкилотлар ва меҳмонхоналар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораёпмиз. Бу албатта, малакали

ўрта бўғин мутахассислари тайёрлашимизда жуда кўп келади. Катта шодиёнага санокли кунлар қолган айни дамда коллеж жамоаси байрамни ёруғ юз билан кутиб олмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жорий таъмирлаш ишлари пухта бажарилди. Спорт зали тубдан таъмирланди. Манзарали дарактлар, турфа гуллар, яшил майсалар маскан чиройини очмоқда. Янги ўқув йилининг илк кунига эса «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деб номланган катта тadbirkor ўтказиш режалаштирилган бўлиб, хозир қизгин тараддуд кўрилмоқда.

Кутлуг байрамимиз нишонланганидан Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йилида туманда кўплаб кичик корхоналар иш бошлади. Ана шулардан бири «MAX MATTRESS» масъулияти чекланган жамияти бўлиб, бозор талаблари асосида иш юритиш муваффақиятларга гаров бўлмоқда.

Корхонада ортопедик тўшакларнинг 12 тури тайёрланмоқда. Мазкур Европа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотлар Россия технологиясини қўллаган ҳолда Хитойдан келтирилган дастгоҳ ва ускуналарда ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳсулотларни тайёрлашда бюртмачи талаба ва эҳтиёжини ўрганган ҳолда изланаётган моҳир дизайнер ҳамда сифатга эътибор билан ёндошаётган маҳоратли чеварларнинг хизмати катта.

— Корхонамиз фаолият кўрсатаётган «Ўрта масжид» маҳалласида истиқомат қилувчи 15 нафар хотин-қизни

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили

СИФАТЛИ ВА ФОЙДАЛИ

иш билан таъминлаганмиз, — дейди корхона директори Давлатбек Зоитов. — Маҳсулотларимизни ҳам хорижий, ҳам маҳаллий хом ашё асосида тайёрлаймиз. Тиббиёт муассасалари, спорт комплекслари, меҳмонхоналар, ўқув масканлари, мебелсозлар асосий бюртмачиларимиз сирасига қиради. Тўшак турларини ишлаб чиқаришга

татбиқ этишда, албатта инсон саломатлигини ҳисобга оламиз, қулай ва фойдали бўлишига эътибор қаратамиз. Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида тadbirkorлик ривожига қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароитлар сафларимиз мустақамланишида муҳим омил бўлди. Мен

Саҳифа материалларини Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади
Козим Улмасов олган суратлар

БАРКАМОЛ АВЛОД МАРКАЗИ: НУРЛИ КЕЛАЖАК САРИ ЙЎЛ

Миробод тумани 110-умумтаълим мактабида Баркамол авлод маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда ўқувчи-ёшларни марказга кенгроқ жалб этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда туман, шаҳар ва вилоят Халқ таълими бўлим ва бошқармалари мутахассислари ҳамда ўқитувчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодининг таълим-тарбияси, билим олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Юртбошимизнинг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган «Баркамол авлод маркази» ёшларнинг энг сеvimли масканига айланган. Юртимизнинг турли гўшаларида фаолият юритаётган 211 та ана шундай марказлар ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, касб-хунар сирларини ўргатиш, иқтидор ва қобилиятларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Тadbirkor «Баркамол авлод маркази» да фаолият юритаётган тўғарак, студия ва клублар фаолиятини янада жонлантириш, халқ амалий ва тасвирий санъати, бадий нафосат ва ахборот-маърифий бўлимларга ёшларни кўпроқ қамраб олиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Мақсад ёшларни турли ёт гоғлар таъсиридан асраш, бўш вақтларини сермазmun ва унумли ўтказишга қумаклашишдан иборат, — дейди Баркамол авлод Республика болалар бадий ижод маркази директори Зокир Товбоев. — Қувонарлиси, мактаблардан келаётган ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз йўналишларини тез аниқлаб, тўғаракларга аъзо бўлишяпти. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган имтиҳон ва тест синовлари иқтидорларни аниқлаш ва шунга қараб гуруҳларга ажратиш имконини бермоқда. Ёшларнинг дам олиши, ўзи хоҳлаган касб-хунар сирларини эгаллаши учун барча зарур шароитлар яратилган: Компьютер ўқув хоналари, тикувчилик, пазандачилик, гўзаллик саломи, инглиз, рус, немис ва француз тилларига йўналтирилган тўғараклар ўқувчилар ихтиёрида.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2010-2011 янги ўқув йили арафасида марказ ходимлари томонидан барча умумтаълим мактабларида очик эшиклар кунини ўтказилади. Унда ўқувчилар марказнинг халқ амалий ва тасвирий санъати бўлимидаги «Ёш рассом», «Графика», «Ренассанс» тўғараклари, бадий нафосат бўлимидаги «Кўзумчоқ», «Гунча» рақс дасталари, турли вокал, доирачилар, дуторчилар дастаси, фан тўғараклари, чет тилларига йўналтирилган машғулотларни ихтиёрий равишда танлаб, иштирок этиш имконига эга бўлишади.

Йиғилишда «Баркамол авлод маркази»нинг директорлари янги ўқув йилида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш ва тараққий эттириш йўлидаги сайъ-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот беришди.

**Азиза ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЖАРАГА ЖОЙ ОЛИНГ ВА ЎЗ БИЗНЕСИНГИЗНИ ЮРИТИНГ

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик соҳасида фаолият юритиб, мамлакат иқтисодиёт ривожланишига ҳисса қўшаётган ва ўз даромад манбаини ошираётган тadbirkorлар учун хамиша камарбаста. Тadbirkorлар ва ишбилармонларни пойтахтимизнинг Сергели тумани, «Қўйлик-5» мавзеси, Олимбеков кўчаси, 2-ўй манзилдаги А блокда жойлашган 4221 кв.м. бўлган бўш бинонини ижарага олиши тақлиф қиламиз. Бу бино идора, ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун ўта қулай ва самарали.

Ижара тўғрисидаги қўшимча маълумотларни 232-22-58, 233-74-72 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-а-ўй манзилида жойлашган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси ховлисида жойлашган 200 кв.м бўлган ер майдонини вақтинчалик енгил турдаги ошхона биносини қуриш ишларининг олиб борилиши бўйича меъёрий ҳужжатлар ҳамда замон талабларига мос равишда барча лойиҳа ва тақлифлар қабул қилинади.

Манзил: Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-а-ўй.
Мурожаат учун телефонлар: 233-72-72, 232-22-58.

Шайхонтоҳур тумани Гулобод мавзеси, 37-ўй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи Мамадалиева Мунира Кутдусовна номида бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

